ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

20 сентябрь, шанба 1997 йил №110 (460)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

## АМЕРИКА ФИРМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Зафаробод тумани ҳокимлиги Американинг «Бай-Сел-ЛЛСИ» компанияси билан ҳамкорликда пахта толасини қайта ишловчи қўшма корхона очиш тараддудини кўрмоқда ва корхона учун жиҳозлар келтирилмоқда. Бу ерда ишловчи мутахассислар Америкада иш ўрганиб қайтишди. Маълум бўлишича, умумий лойиҳадаги маблағнинг 65 фоизини, яъни 10 миллион долларини ҳамкор томон ўз зиммасига олади. Корхона ишга тушгач, 350 киши иш билан таъминланади.

Шунингдек, Американинг «Сюри-голп» фирмаси билан уруғлик етиштириб берадиган завод қуриш юзасидан келишиб олинди. Келгуси йилда 20 гектар ерга Америка чигити экишга тайёргарлик кўрилаяпти.

Алибой ЭРГАШЕВ

*Дала шийпонлари -«Ишонч» назоратида*

## ДЕҲҚОННИНГ ИККИНЧИ УЙИ ДЕСА БЎЛАДИМИ?

Бугунги кунда деҳқонларнинг ташвиши ҳар қачонгидан ўн чандон ошган. Улар пешона тери эвазига етиштирилган пахта ҳосилини ёғинсочин кунларга қолдирмай йиғиб-териб олишга киришганлар. Хўш, жойлардаги дала шийпонларида аҳвол қандай? Биз ушбу саволга аниқ жавоб топиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг қўриқ Усмон Юсупов туманида бўлдик. Туман ҳокимининг муовини Эли Ҳамроевга учрашдик.

- 13 минг гектар майдонга пахтанинг истиқболли навлари экилган,- деди суҳбатда ҳоким муовини.- Ҳосил чўғи чакки эмас. Давлатга 32300 тонна «оқ олтин» топширишга бел боғлаганмиз. Бугунги кунда барча хўжаликларимизда йиғим-терим ёппасига бошланиб кетди. Кунига йиллик режанинг 2,5-3 фоизи миқдорида пахта тайёрланмоқда. 5 минг нафардан ортиқ шаҳарлик ҳашарчилар ҳам ёрдамга келдилар. Эрта-индин терим машиналари ҳам ишга тушади.

- Теримчиларга ҳақ тўлаш қандай ташкил этилган?

- Теримчиларнинг ҳар беш кунда иш натижаси ҳисоб-китоб қилиб борилмоқда. Қўлда терган ҳар кило пахтасига 3,5-4 сўм миқдорида пул берилаяпти. Бизда ер майдонлари ижарачиларга тақсимлаб берилган. Шу боис ижарачи бригадалар сони 456 тани ташкил этади. Дала шийпонларига келсак 155 та бўлиб, шундан 112 таси замонавий ҳисобланади.

Туман ҳокимининг муовини Эли Ҳамроев ва касаба уюшмалари туман кенгаши раиси Эркин Турсунов билан тумандаги 24-22-жамоа-ширкат хўжаликлари дала шийпонларини кўздан кечирдик.

24-жамоа-ширкат хўжалиги тумандаги йирик жамоалардан бири экан. Хўжалик деҳқонлари бу йил 2100 гектар майдондан давлатга 5380 тонна пахта етказиб беришни дилларига тугишган. 80 дан ортиқ ижарачи мавжуд бўлиб, улардан 19 тасида дала шийпони 5 тасида эса барак бор экан. Нарзулла Каримов, Қўшша Туропов, Асадулло Дониёров, Бегимқул Ҳамроев, Абдурасул Соатов, Ҳамидулло Орзиқулов бошлиқ жамоаларнинг дала шийпонлари шу кун талабига жавоб беради. Уларда тандир, ўчоқ, аёллар ва эркаклар учун алоҳида хоналар мавжуд. Хоналар сифатли таъмирланган. Терим қатнашчиларига кунига икки маҳал иссиқ овқат ва чой тайёрлаб берилмоқда.

Аммо, хўжаликнинг барча дала шийпонларида аҳвол бир хил эмас. Чунончи, Файзулла Ортиқов ва Файзулла Расулов бошлиқ бригадалар дала шийпонларида таъмирлаш ишлари ҳанузгача тугалланмаган. Кўпгина деразаларда ойна йўқ. Мавжуд эшиклар ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолган.

Хўжалик бошқаруви раиси Жума Ғуломҳайдаров, раис муовини Музаффар Маҳматмуродовлар мазкур дала шийпонларидаги камчиликларни тезда бартараф этажакларини билдирдилар.

Тўғри, хўжаликда пахта йиғим-терими намунали уюштирилган. 3000 дан ортиқ киши белига этак боғлаб пахта термоқда. Терим суръати кун сайин кўтарилмоқда.

22-жамоа-ширкат хўжалигида 17 та дала шийпони бўлиб, унинг 16 таси типовойдир. Биз хўжаликнинг М.Олмасов, У.Эшназаров, О.Рустамов, Т.Омонов бошлиқ бригадалар дала шийпонларида бўлиб, дилдан қувондик. Чунки, деҳқону-ҳашарчилар учун шийпонда барча шарт-шароит муҳайё. Айниқса, шийпон атрофидаги кичик ерга ички эҳтиёж учун турли хил сабзавот ва полиз экинлари жойлаштирилганлиги бизга маъқул бўлди. Ортиқча сарф-харажатга ҳожат йўқ. Сабзи, пиёз, картошка, шолғом, қовун-тарвуз ўзларидан чиқади. Дала шийпонлари тоза-озода. Тандирларда бўрсилдоқ нон ёпилаётганлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Самоварларда сув қайнаб турибди. Теримчилар билан мулоқотда бўлганимизда улар ўзлари учун яратиб берилган шарт-шароит учун туман ҳокимлиги ва хўжалик раҳбарлари ҳимматидан қувониб гапирдилар.

Бироқ У.Файзиев бошлиқ бригада дала шийпонида ҳанузгача таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмаган. Ваҳоланки, пахта йиғим-терими бошланганига анча бўлди. Мавсумга шийпонни барвақт тайёрлаш мумкин эдику.

Яхши дам-меҳнатга ҳамдам. Чиндан ҳам шундай. Унумли меҳнатдан сўнг шийпонда мириқиб дам олганга не етсин. Очиғини айтганда, чўл қуйинидаги мазкур туманда дала шийпонлари бу чоғлиқ мавсумга тайёр эканлигини сира ўйламагандик.

Биз Усмон Юсупов тумани ҳокимлиги ва хўжаликлар раҳбарларининг пахта йиғим-терими мавсумини аниқ тадбирлар асосида олиб боришаётгани ва деҳқонларнинг иккинчи уйи - дала шийпонларини баҳоли қудрат таъмирлаб, етарли даражада шарт-шароит яратганлигини кўриб, чўлқуварларнинг пахта хирмони юксак бўлишига тўла ишонч ҳосил қилдик.

Аҳрор САМАРИДДИНОВ,
«Ишонч» мухбири



Ўзбекистон ҳудудида шу кунларда кўп миллатли кучларнинг НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасига кирувчи «Марказий Осиё батальони-97» дала машқлари бўлиб ўтмоқда.

С.Зуфаров (ЎзА) олган сурат.

## Иқтисодиёт хабарлари

Риштон туманида янги пахта тозалаш заводи фойдаланишга топширилди.

Лойиҳа қуввати йилига қирқ минг тонна пахтани қайта ишлашга мўлжалланган мазкур саноат корхонасини қисқа муддатда қуриб, ишга туширишда вилоят 3-қишлоқ қурилиш трестининг Шавкат Собиров бошлиқ кўчма механизациялашган жамланмаси қурувчилари фидокорлик кўрсатдилар.

* * *

Маълумки, Жанубий Кореянинг «ДЭУтекстайл» компанияси Фарғона вилоятида тўқимачилик саноатини ривожлантириш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаяпти. Компания томонидан Тошлоқ туманида барпо этилган тўқимачилик фабрикаси айни пайтда чет элдаги ва вилоятдаги тўқимачилик корхоналарини юқори сифатли ип билан таъминлашга эришаяпти.

Яқинда мазкур компаниянинг президенти Ким У Жунг бошлиқ делегация Фарғонада бўлиб, корхонанинг иш фаолияти билан танишди ва бу ерда ишлаб чиқарилаётган ипларга юқори баҳо берди. Ким У Жунг Фарғонада тўқимачилик корхонасини барпо этиш мақсадга мувофиқлигини, шу билан бирга бу ерда юқори сифатли автомобиль ойналари ишлаб чиқариш корхонасини барпо этиш нияти ҳам борлигини билдирди.

* * *

Шу йил октябрь ойида Германиянинг Гамбург шаҳрида ўтадиган Ўзбекистон мева сабзавот кунларига бухоролик соҳибкорлар ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Келгуси ойнинг биринчи ўн кунлигида вилоятда мева-сабзавот кунларини ўтказиш белгиланди. Унда мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар барча тадбиркорлар, деҳқон-фермер хўжаликлари, мева-сабзавотни қайта ишлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлар иштирок этадилар.

Кўргазмани ўтказишдан мақсад — хорижга юбориладиган маҳсулотларни саралаш, деҳқон-фермерларни ҳамда маҳсулотни қайта ишловчиларнинг имкониятларини ўрганишдир.

* * *

Денов туманидаги «Ҳазарбоғ» жамоа хўжалигида консерва заводи қурилиши жадал суратлар билан олиб борилмоқда. Бу завод «Сурхон—Кузбасс» қўшма корхонаси хўжалиги билан Кемерово металлургия заводи ўртасида тузилган шартномага мувофиқ бунёд этиляпти.

Келгуси йил иш бошлайдиган янги корхона хом ашёсини ҳазарбоғликларнинг ўзлари етиштирадилар. Бунинг учун олти гектар ерда учта иссиқхона ҳам қурилмоқда. Замонавий иссиқхона қиш ва баҳор фаслида помидор, бодринг ва болгар помидорини парвариш қилиш имконини беради. Қўшма корхона ишга тушгач, тайёр маҳсулотнинг бир қисми Кемерово металлургия заводи ишчиларига жўнатилади. Ўз навбатида эса кемеровоsurvлар қурилиш материалларини жўнатиб туришади.

*Инсон манфаати - олий мақсад*

## ЭЛ ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида Шаҳрисабз туманида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Болта Фозилов номли жамоа хўжалигида амалга оширилган ишлар таҳсинга сазовордир. Хўжалик ғаллачилик соҳасида катта зафар қучди.

Жорий йилда хўжалик 499 гектар суғориладиган майдоннинг ҳар гектаридан 55,1 центнердан ғалла ҳосили олиб, дон ишлаб чиқариш режасини 153,1 фоизга бажарди. Хўжаликнинг ғаллачиликдан олган даромади 40 миллион сўмни ташкил этди.

Ғалла ўрим-йиғими мавсумига пухта ҳозирлик кўриш, ишни тўғри ташкил қилиш, ўрим ва ташиш техника воситаларидан унумли фойдаланиш, ғаллакорларга керакли шарт-шароитлар яратиш бўйича хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорликда бир қатор тадбирларни амалга оширдилар. Ғалла ўрими иштирокчилари 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланди. Ўримда қатнашган комбайнчиларни ҳар бирига 4 минг сўмдан пул ва 20 кг дан ўсимлик ёғи тарқатилди.

Пудратчилар, комбайнчилар ва дон ташиш автотранспорт ҳайдовчилари ўртасидаги мусобақа ҳар беш кунда якунланиб, мусобақа шартларига кўра илғорлар пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантириб борилдилар.

Хўжалик деҳқонлари пахтачилик соҳасида ҳам юксак марраларни кўзлашиб меҳнат қилишмоқда. Хўжалик аъзолари 300 гектар майдонга плёнка остига чигит экишди. Ҳозир хўжаликнинг пахта экилган ҳамма майдонларидаги ғўзаларда 6-8 та кўсаклар оппоқ бўлиб очилган. Хўжалик иқтисодий аҳволини юксалишида, қишлоқ аҳолиси маданиятининг ўсишида жамоа раиси Бозор Эшдавлатовни ҳиссаси каттадир.

Ғалла, пахта тайёрлаш режалари йил сайин оширилиб бажарилаётир. Эришилган ютуқлар меҳнатчиларнинг турмушида сезила борди, манфаатдорлигида акс эта бошлади. Натижада ютуқлар ортиб, хўжаликни даромади яхшиланганидан, кейинги йилларда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан имзоланган жамоа шартномасига биноан иқтисод қилинган соф фойда ҳисобидан 70 км масофага газ қувурлари, 25 км масофага эса сув қувурлари ётқизилиб, бу билан аҳолининг табиий газ ва ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи тўла қондирилди. Қишлоқда саноатни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида 8 та кичик корхона ташкил этилиб, 150 дан ортиқ киши иш билан таъминланди. Ҳозир хўжалик марказида кийим-кечак ишлаб чиқариш цехида 80 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Шунингдек йилига 50 минг дона шартли консерва банкаси тайёрлайдиган цех ишлаб турибди.

Яқинда соатига бир тоннадан ортиқ шоли оқлайдиган цех ва нон цехи қуриб ишга туширилди. «Тез ёрдам» қишлоқ шифохонаси қурилмоқда. Бундан ташқари хўжаликнинг 5 та қишлоғида сауна қуриш кўзда тутилган.

Хўжаликда меҳнатни ташкил қилиш ва назоратни олиб бориш хизматлари тўғри йўлга қўйилганлиги туфайли бир неча йиллар давомида ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳоллари рўй берган эмас. Ишчиларни иқтисодий муҳофаза қилиш мақсадида бор имкониятлар ишга солинаётир, иш ҳақлари вақтида бериб борилмоқда.

Буларнинг барчаси деҳқонларни инсон манфаатлари йилида баракали ишлашга илҳомлантирмоқда.

А.ТУРАЕВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Қашқадарё вилоят қўмитасининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш мудири

## НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

Косонсой шаҳридаги Охунбобоев номли маҳалласида ишчи ўринларни кўпайтириш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида эътибор берилаётир.

Охунбобоев номли кўчага 2 та тикувчилик цехи, чойхона, ошхона, енгил машиналарни таъмирлаш устахонаси, хусусий савдо дўконлари, Ибн Сино кўчасида эса дорихона ва сартарошхона аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Шойи тўқиш фабрикасининг цех устаси Абдуҳафиқ Саидов, ишчилар Манзура Болтабоева, Мукаррам Раҳимова, Матлуба Тўрабоева, Матлуба Охунова, Омина Исмоиловалар унумли меҳнатлари билан эл олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Пардабой БУХОРОВ

## «Ишонч» мақолалари изидан

Денов шаҳар ҳокимлиги «Хўжасизлик оқибати» (1997 йил 16 июнь) сарлавҳали мақола юзасидан олинган хабарда келтирилишича кўрсатилган камчиликлар ўрганиб чиқилган ва уларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган.

Денов шаҳар «Бободеҳқон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси умумий йиғилишида ҳам мақола муҳокама қилинди. Шаҳар санитария-эпидемиология станцияси ходимлари билан ҳамкорликда қассобхонада тартиб ўрнатиш чоралари кўрилган. Бозор ҳудудида артезиан қудуғи қазилиб, барча овқатланиш нуқталари сув билан таъминланиб, санитария ҳолати яхшиланди. Тарозилар давлат стандарт назоратидан ўтказилди.

Ҳозирги кунда шаҳар дорихоналарида 20 хил турдаги дорилар сотувга қўйилган. Дорихоналар ходимларини малака оширишдан ўтказиш ишлари вилоят «Дори-дармон» ҳиссадорлик бошқармасининг режасига асосан шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларига режалаштирилган.

Дори-дармонларнинг сотилиши, сақланиши ҳозирги вақтда қаттиқ назоратга олиниб, тегишли ходимлар йўл қўйган камчиликлари учун огоҳлантирилди.

Мақола Денов шаҳар улгуржи-чакана савдо ҳиссадорлик бирлашмасида ҳам муҳокама қилиниб, Вазирлар Маҳкамасининг 604-қарорида кўрсатилган 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг барчасини савдо дўконида бўлишини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.

Шаҳар ҳокими ўринбосари Д.Қобилов, шунингдек, энг муҳим турдаги озиқ-овқатларнинг дўконларда доимий бўлишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқарилганини хабар қилган.

* * *

Газетанинг шу йил 19 август сонида эълон қилинган У.Наврўзовнинг «Олот: янгилик оқими нега суст?» танқидий мақоласи туман ҳокимлигида кўриб чиқилди. Мақолада кўрсатилган камчиликлар тўғри эканлиги аниқланди. камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Ишда йўл қўйган камчиликлари учун кутубхоначи Н.Ондаева ишдан озод қилинди. Кутубхонадаги камчиликларни тугатиш Э.Фозилов зиммасига юклатилди.

К.ХОЖИЕВ,
Олот тумани ҳокими ўринбосари




Эртага II Марказий Осиё ўйинлари мусобақалари ниҳоясига етади. Бу ҳақда газетанинг 3 саҳифасида ўқийсиз.

Холбуви Исмоилова Ш. Рашидов хўжалигидаги Ғ. Ғулом номли давлат хўжалигида ишчи бўлиб ишлайди. У кунига 100—120 кг пахта териб тўкмоқда. Мавсум охиригача 4 тонна пахта термоқчи.



Суратда: Х. ИСМОИЛОВА.
Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Каспий денгизидаги Кефас (Сердор) нефть конларини Туркманистон томонидан чет эл компаниялари фойдаланиши учун тендер эълон қилиниши Озарбайжон томонида норозилик уйғотмоқда. Боку томони Туркманистонни бундай йўл тутишга ҳаққи йўқ, бу конлар мунозарали деб ҳисобласа, Туркманистон Озарий ва Чироқ конлари мунозарали, Сердор кони фақат Туркманистонга қарашли деб даъво қилмоқда.

***

Тожик мухолифат кучлари томонидан Тавил-Дарада асир олинган 17 киши ҳеч қандай шартларсиз озод қилинган. Уларнинг ичида Тожикистон фуқароси бўлган олти рус ҳам бор.

***

Алматида М.Исмоилов иши юзасидан икки ой давом этган суд жараёни ниҳоясига етди. У шу йилнинг 30 майида рухсат этилмаган митингни уюштирганликда айланиб 9 ойга ҳукм қилинган.

***

Қалаи-Хумда Россия чегарачиларининг огоҳлантиришларига қарамай Тожикистонга ноқонуний йўл билан ўтишга ҳаракат қилган икки киши отиб ўлдирилган.

## Етти иқлим нафаси

Россия Озарбайжон нефтини Новороссийск портига Чечанистон ҳудудини четлаб олиб боришни ҳам кўзда тутмоқда. Мамлакат ҳукумати чечен ерларига кирмайдиган нефть қувурларини қуриш лойиҳасини тасдиқлади. Ушбу лойиҳани ҳаётга тадбиқ этиш учун 220 миллион доллар сарфланиши керак.

* * *

БМТ Бош Котиби Кофи Аннан ҳамда бир қатор давлатлар бошлиқлари Босниядаги ҳаво ҳалокати туфайли ҳалок бўлган БМТнинг 12 вакили оилаларига таъзия изҳор этдилар. Германиялик дипломат Герд Вагнер бошчилигидаги БМТ вакиллари вертолётда Сараеводан Бугойно шаҳрига учиб бораётганларида тоғли ёнбағирга урилиб, қулаб тушганлар. Ушбу ҳалокатда беш нафар америкалик, беш германиялик, бир инглиз ва бир поляк ҳалок бўлганлар. Тўрт нафар украиналик эса оғир жароҳатланган.

* * *

Қуддус шаҳрида яна қуролли тўқнашув бўлиб ўтди. Юзлаб фаластинликлар Исроил ҳарбийларини тошбўрон қилдилар. Фаластин фуқаролари бу билан якшанба куни Қуддусдаги бир қанча араб маҳаллаларига яҳудийлар кўчиб келганликларига яна норозилик билдирдилар. Исроил ҳарбийлари норозилик намойишини куч билан бартараф этишга муваффақ бўлдилар. Бунинг оқибатида 6 нафар араб жароҳатланди, 5 нафари эса ҳибсга олинди. Минтақадаги аҳволнинг кескинлашуви туфайли Исроил Бош вазири Беньямин Нетаньяху ўзининг Европага қилмоқчи бўлган сафарини кечиктиришга мажбур бўлди.

* * *

Бугун Сурия Россия билан ҳамкорликда зенит ракеталари иштирокидаги ҳарбий машқларни бошлаб юборди. Ҳарбий машқларда Сурияниг ракетачилар полки иштирок этмоқда. Мазкур қўшин Россияда ишлаб чиқарилган С-200 зенит ракеталари билан таъминланган.

* * *

Тайваннинг БМТга аъзо бўлиш орзуси яна рўёбга чиқмади. БМТ Бош Ассамблеясининг махсус ҳайъати Тайванга хайрихоҳ бўлган 14 давлатнинг бу ҳақдаги илтимосномаларини рад этди. Бунга БМТга аъзо кўпчилик давлатларнинг Тайванни Хитой Халқ Республикаси таркибидаги орол деб билишлари сабаб бўлди.

* * *

АҚШ Президенти Билл Клинтон Осло шаҳрида қабул қилинган пиёдаларга қарши миналар қўйишни ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги халқаро Шартномани қўллаб-қувватламаслигини билдирди. АҚШ ҳукуматининг баёнотига кўра, агар Корея оролида қўйилган Жанубий ва Шимолий Кореялар ўртасидаги пиёдаларга қарши миналар зарарсизлантирилса, Жанубий Корея ҳамда у ердаги АҚШнинг 37 минг аскари хавф остида қолади. Шунингдек, Жанубий Корея ҳукумати ҳам мазкур Шартномани қўллаб-қувватламаслигини маълум қилди.

Жаҳон ахборот агентиклари хабарлари асосида

